O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 26 YANVAR ◆ SHANBA ◆ №12 (26.871)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ АНИҚ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАРЗДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш, кекса авлод манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний, аклий ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун шарт-шароит яратиш максадида:

1. Иш стажининг тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган миқдоридан ортиқ қисмини ҳисоблаб чиқишдаги мавжуд чеклашлар 2002 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин.

2. Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича оналарга бериладиган ойлик нафақалар миқдори 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб энг кам иш ҳақининг 170 фоизи, 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб эса 200 фоизи миқдорида белгилансин.

3. 16 ёшгача болалари бўлган нафақа олувчи оилалар тоифаси кенгайтирилиб, умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқийдиган 18 ёшгача болалари бўлган муҳтож оилалар ҳам шу тоифага қўшимча равишда киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1383-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 25 январь

ЭРТАГА — РЕФЕРЕНДУМ

ЭЛ МАНФААТИ МЎЪТАБАР

ПАРТИЯМИЗ АЪЗОЛАРИ ТАҲРИРИЯТИМИЗГА ЙЎЛЛАГАН МАКТУБЛАРДА УЛАР ЭРТАНГИ ТАДБИРГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК БИЛАН КЕЛАЁТГАНИ, ЮРТ ИСТИҚБОЛИНИ КЎЗЛАБ ОВОЗ БЕРИШЛАРИ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

РЕФЕРЕНДУМ АРАФАСИДА ДАВР ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси референдумига тайёргарликнинг якунловчи босқичи бошланди. 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдум участкаларига ўз хоҳиш-иродаларини билдириш учун келишади. Референдумга қўйилаётган масалалар ва уни ўтказиш чора-тадбирлари нафақат ватандошларимизда, балки кенг халқаро жамоатчиликда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хорижий ва республикамиз оммавий ахборот воситалари мухбирлари учун матбуот анжумани ва Ўзбекистонга референдумда кузатувчи сифатида келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашув ўтказилди.

Журналистларга овоз беришга тайёргарлик ва референдумга қўйилган масалаларни аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича амалга оширилаётган ташкилий ишлар тўғрисида ахборот берилди.

Кузатувчилар билан учрашув чоғида таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси референдумига АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Россия, Беларус, Хитой, Италия, Туркия, Исроил, Покистон, Ливан, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Грузия, Озарбойжон каби дунёнинг жами 32 та давлатидан кузатувчилар келмоқда.

Кузатувчилар Референдум тўғрисидаги қонун моддалари, кузатувчиларнинг ҳуқуқлари билан таништирилди. Улар Ўзбекистонга келган дастлабки кунларида референдумга тайёргарлик жараёни ҳақида олган таассуротларини сўзлаб берди, кузатувчилар самарали фаолият олиб бориши учун барча шароит яратилганини таъкидлади.

Германиялик таниқли сиёсатшунос, юридик фанлар доктори, профессор Леонид Левитин шу кунларда Наманган вилоятида бўлди.

Меҳмон вилоятнинг қатор саноат корхоналари фаолияти билан танишди, ўрта мактаб, академик лицей ўқувчилари билан учрашди, Алишер Навоий номидаги вилоят театрида бўлди. У референдумни ўтказиш бўйича участкалардан бирига ҳам ташриф буюрди.

Л.Левитиннинг референдум ва умумхалқ муҳокамасига қўйилган масалалар тўғрисидаги фикри қуйидагича:

— Икки палатали парламент тузишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Парламентнинг бундай модели фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга қодир. Палаталарнинг бири доимий ишлайдиган орган бўлишини инобатга олсак, депутатларнинг малакаси ортади, бу эса янада мукаммал қонунларни қабул қилишга ёрдам беради. Президентнинг конституциявий ваколат муддатини ўзгартиришга келсак, Франция, Италия ва бошқа мамлакатларда ҳам президентлик ваколати муддатлари худди шундай.

Референдум куни профессор Л.Левитин Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидаги референдумни ўтказиш бўйича участкаларда овоз беришнинг бориши билан танишади. Л.Левитин Ўзбекистонга ташрифи чоғидаги дастлабки кузатувларидан бирини баён этди:

— Мамлакатингиз болалари жуда ажойиб. Ҳамма нарсадан кўра мени уларнинг жуда меҳрибон, синчков, қизиқувчан кўзлари ҳайратга солди, бу кўзлардан нур ва самимият ёғилиб турибди. Бундай авлод вояга етиб келаётган давлатнинг келажаги буюкдир...

■ (ЎзА)

АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ ЎРИНБОСАРИ БЕТ ЖОУНС МАРКАЗИЙ ОСИЁ АҲАМИЯТИ ОРТИБ БОРАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДА

ЖОУНС ХОНИМНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

АҚШ Давлат котибининг Европа ва Евроосиё ишлари бўйича ўринбосари Бет Жоунс хоним бошчилигидаги америкаликлар делегацияси мамлакатимиз раҳбарияти билан сиёсий, иқтисодий масалалар хусусида кенг миқёсда фикр алмашиш учун 27 январь куни Ўзбекистонга ташриф буюради.

«Си-эн-эн» телекомпаниясига берган интервьюси чоғида Давлат котибининг ўринбосари ўзининг бўлажак ташрифи тўғрисида сўзлаб берди ва минтақамизнинг АҚШ, бошқа мамлакатлар, шу жумладан Хитой, Россия ва Европа мамлакатлари учун «улкан геостратегик аҳамиятга» эга эканлигини таъкидлади.

«Марказий Осиё катта эътиборга сазовор ва унга шундай эътибор қаратилмоқда», — деди Б.Жоунс.

Марказий Осиё давлатлари «биздан ўз ишларида фаолроқ қатнашишни сўрашмоқда ва биз ўз иштирокимиз даражасини кучайтириш ниятидамиз. Гап бу ўринда фақат Америка Қўшма Штатлари ҳақида эмас, балки кўпгина бошқа мамлакатлар ҳукуматлари ҳақида ҳам бормоқда».

Жоунс Америка делегациясининг раҳбари сифатида 24 январь-1 февралга белгиланган ташриф доирасида Тожикистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон ва Қирғизистон Республикасига учиб кетиш олдидан Европа Иттифоқи мамлакатларидаги ўз ҳамкасблари билан Марказий Осиёда амалга оширилаётган дастурларни, шу жумладан Жаҳон банки ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ташкилотлар қатнашаётган дастурларни янада ривожлантириш ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг иштирокини янада фаоллаштириш тўғрисида музокаралар ўтказиш ниятида эканлигини маълум қилди.

«Американинг кўпгина компаниялари ва халқаро компаниялар ҳозирги кунда Марказий Осиёда фаол иш олиб бормоқда», — деди у. — АҚШ ҳукумати «Америка инвестициялари халқаро меъёрларга жавоб берадиган ҳуқуқий муҳитда амалга ошириладиган, коррупция муаммолари ҳал этиладиган, солиқлар адолатли асосда олинадиган, божхона масалалари халқаро андозаларга мувофиқ ҳал этиладиган» вазиятни яратишга ёрдам бериши мумкин.

У бир қатор Марказий Осиё мамлакатларида «инсон ҳуқуқларига оид ва демократия қуриш борасида айрим жиддий қийинчиликлар» борлигини тан олди, аммо ўзаро алоқалар янада фаоллаштирилиши бундай қийинчиликларни муҳокама қилиш учун имконият яратишини қайд этди. «Айнан шу боис мен бошчилик қилаётган делегация таркибига инсон ҳуқуқлари ва демократия соҳасидаги экспертлар киради...»

«Барчамиз террорчилик хавфи, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси, сил, ОИТВ ва ОИТС каби касалликларга қарши курашишни истаймиз», — деди Бет Жоунс. Қўшма Штатлар минтақа мамлакатлари ҳарбийларини тайёрлашнинг узоқ муддатли дастурларини амалга оширишга ҳам кўмаклашмоқда, деди у ва фикрини давом эттириб, «гап қуролли кучларни жанговар ҳаракатлар учун мўлжалланган ҳарбий ташкилотларга айлантириш ҳақида эмас, мудофаа вазифаларига йўналтирилган қуролли кучларни, чегараларни ҳимоя қилиш ва давлатни ҳимоя қилишга доир бошқа вазифаларга йўналтирилган қуролли кучларни шакллантириш ҳақида бормоқда», — дея қайд этди.

Жоунс хоним таъкидладики, «биз узоқ муддатга Марказий Осиёда Қўшма Штатларнинг базаларини яратиш тўғрисида сўз юритаётганимиз йўқ. Бугунги кунда биз Афғонистонда террорчиликка қарши уруш олиб бориш учун Марказий Осиёдаги базалардан фойдаланишимиз зарур бўляпти. Бироқ бу эҳтиёж узоқ муддатли эмас. Сиз сўраган — мутахассислар тайёрлаш, ўзаро ҳамкорлик, минтақани ривожлантириш дастурларигина узоқ муддатга қаратилган».

Минтақада Қўшма Штатлар ўзининг мураккаб вазифаларини амалга ошириб бўлгач, бу мамлакатларни ўз муаммолари билан қолдириб кетиши мумкинлиги тўғрисида хавотирлар ҳам йўқ эмаслиги ҳақидаги саволларга жавоб берар экан, Жоунс «биз минтақанинг ҳар бир мамлакатини бундай ниятимиз йўқлигига ишонтириш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз», — деб айтди.

«Биз мазкур минтақа билан Совет Иттифоқи парчаланган пайтларданоқ ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Бу мамлакатларда элчихоналаримиз бор ва биз уларнинг кейинги фаолиятини янада яхшилаш, ҳамкорлик дастурларини давом эттириш ва уларда ноҳукумат ташкилотлари иштирокини рағбатлантириш ниятидамиз», — деди Жоунс хоним.

■ (ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

АЁЛЛАР ВА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОД СОҒЛИҒИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, аёллар мавқеини ошириш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилган умумдавлат чора-тадбирлари республикадаги ижтимоий-демографик вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Оила институти мустаҳкамланмоқда, чақалоқлар ўлими камаймоқда, туғруқ ёшининг таркиби яхшиланмоқда, аҳолининг узоқ умр кўриши даражаси ўсмоқда.

Шу билан бирга, республика минтақалари бўйича аҳолининг репродуктив саломатлиги кўрсаткичларининг таҳлили кўрилаётган чора-тадбирлар ҳали етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари, Бандихон, Бахмал, Чирокчи, Қўшработ туманлари ва бошқа туманлар аҳолисининг репродуктив соғлиғи кўрсаткичлари республика ўртача кўрсаткичларидан кўпроқ орқада колмоқда.

Оилаларнинг тиббий маданияти даражасини янада ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шароитлар яратиш максадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Соғлом авлод, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданияти даражасини ошириш масалалари бўйича доимий ишловчи Ҳукумат комиссияси ташкил этилсин.

Комиссияга қуйидаги функциялар юклансин:

минтақалар ва ҳудудлар бўйича демографик вазиятни, репродуктив саломатликни яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ўрганиб чиқиш ва таҳлил этиш, ушбу жараёнларнинг ижобий ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал этиш;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ АНИҚ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАРЗДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ 2002-2003 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Олий Мажлиснинг 2001 йил 6 декабрдаги 306-II-сон қарорида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида» 2002 йил 25 январдаги ПФ-3017-сон Фармонида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш максадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга мансуб бошланғич синфларнинг ўқувчилари билан бир қаторда, шунингдек юқори синфларнинг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчилари ҳам бепул қишки кийим-бош тўплами билан таъминланади.

2. Умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларини кутубхона фондидан дарсликлар тўплами билан ҳар йили бепул таъминлаш жорий этилсин, бунда 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларнинг камида 75 фоизини, 2003 йил 1 сентябрдан бошлаб эса — кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларнинг 100 фоизини дарсликлар билан таъминлаш назарда тутилсин.

(Давоми 2-бетда)

Эртага бўладиган референдумда фуқароларимиз иккита муҳим масала, яъни мамлакатимизда қуйи ва юқори палатали парламент тизимини шакллантириш ҳамда Ўзбекистон Президентининг конституциявий ваколат муддатини 5 йилдан 7 йиллик қилиб ўзгартирилиши юзасидан ўзларининг хоҳиш-иродаларини эмин-эркин ифода этишади.

Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинганидек, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари ҳузурида 37 та референдум участкалари ташкил этилган. Бу мамлакатимизнинг чет эллардаги ваколатхоналарида умумхалқ референдумини ўтказишга пухта ҳозирлик кўриб қўйилганидан ёрқин далолатдир.

Ана шу референдум участкаларида турли сабабларга кўра хорижий мамлакатларда бўлган фуқароларимиз референдумга қўйилган масалалар юзасидан эртага ўз овозларини беришади. Россия Федерациясида 436 киши, Ҳиндистонда — 33, Қозоғистонда — 66, Исроилда — 32, Миср Араб Республикасида — 72 нафар Ўзбекистон фуқароси мазкур мамлакатлардаги референдум участкаларида овоз бериши кутилмоқда. Бу рўйхатни яна ҳам давом эттириш мумкин.

Ўзбекистон бугунги кунга қадар ўзининг порлоқ келажагини яратиш йўлида улкан муваффақиятларни қўлга киритишга муваффақ бўлгани аллақачон бутун жаҳонда ўз эътирофини топган. Бунинг мантиқий давоми сифатида мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида ташлаётган ҳар бир қадами дунё мамлакатларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва илмий-маданий доираларида, хорижий давлатлар жамоатчилиги орасида катта қизиқиш уйғотиши табиий бир ҳол. Шу боис ҳам қатор хорижий мамлакатлардан кўплаб халқаро кузатувчиларнинг юртимизга келиши кутилмоқда. Ҳадемай сизу биз — барча ҳамюртларимиз сингари АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Россия, Франция, Ҳиндистон, Эрон сингари дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан ташриф буюрадиган халқаро кузатувчилар ҳам халқ ҳокимиятчилигининг олий шакли ҳисобланмиш референдумда мамлакатимиз фуқаролари ўз ваколатларини тўғридан-тўғри амалга оширишларига гувоҳ бўлади.

■ «Жаҳон» АА



■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Мамлакатимизда эртага бўлиб ўтадиган умумхалқ референдумига тайёргарлик ишлари якунловчи босқичга кирди.

Пойтахтимизнинг Миробод тумани «Ўзбекистон» маҳалласидаги 171-референдум участкасида 1244 киши ўз фуқаролик бурчларини адо этадилар. Улардан 15 нафари референдумда илк бор қатнашади.

Суратларда: 171-референдум участкасида эртанги ишлар хусусида фикрлашилмоқда.

ХОРИЖДА ҲАМ ОВОЗ БЕРИШАДИ

ОЛИЙ БУРЧ

Яқинда ниҳояланган «Ватан ҳимоясида» танловидан кўзланган мақсад эл-юрт тинчлиги йўлида туну кун хизмат қилаётган аскар ва зобитларнинг шижоат ва жасоратларини тараннум этишдир.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 10 йиллигига бағишлаб Мудофаа вазирлиги ҳамда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан эълон қилинган мазкур танловга салкам бир йил мобайнида ижодкорлар томонидан кўплаб санъат асарлари ва ижро намуналари тақдим этилди. Танлов ҳайъати улар билан танишиб чиқиб, 8 йўналиш бўйича энг яхши асарларни ва уларнинг ғолибларини аниқлади. Бу йўналишлар қуйидагича: адабиёт, театр, мусиқа санъати, ижрочилик санъати, телекўрсатувлар, журналистика, «Ватанпарвар» ташкилотидаги намунали фаолияти ҳамда ҳарбий қисмлардаги намунавий хизматлари йўналишларидир.

Илк бор ўтказилган ушбу танлов томошабинлар томонидан илиқ қарши олинди, яхши асарлар яратилди. Бундан ташқари, танловнинг асосий мақсади — ўсиб келаётган ёш авлод ва Қуролли Кучлар шахсий таркибини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шу мавзуда яратилган асарларни оммавийлаштириш, уларни яратиш ишига ижодкорлар ва санъат намояндаларини бундан буён ҳам кенг жалб этишдир. «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси ўринбосари Бобокалон Рўзиевнинг таъкидлашича, «Ватан ҳимоясида» танлови бундан буён мантазам равишда ўтказилиб борилади.

■ Матназар ЭЛМУРОДОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

АЁЛЛАР ВА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОД СОҒЛИҒИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

репродуктив саломатликни, ёшлар ва оилаларнинг тиббий маданиятини, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялашни яхшилаш бўйича устувор йўналишлар ва чора-тадбирларнинг мақсадли йўналишини ишлаб чиқиш;

аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оилани мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга оширишда барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча даражалардаги ҳокимликлар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳар бир қишлоқ туманида ва шаҳарларда соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш, оналар ва болалар тўғрисида ғамхўрлик қилишни кучайтириш, оилаларни мустаҳкамлаш бўйича ҳар йилги комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва бажарилишининг мониторинги олиб борилишини назорат қилиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллий телевидение, радио, бошқа оммавий ахборот воситаларига улар томонидан аҳоли билан, айниқса аёллар, никоҳга кирувчи ёшлар билан соғлом оилани шакллантириш муаммолари, бош вазифа: соғлом она — соғлом бола принципини амалга оширишда кўмаклашиш;

аёлларнинг исталмаган ҳомиладорлигининг олдини олиш ва профилактикаси воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш, буюртмалар ва таклифларни экспертизадан ўтказиш ҳамда мақсадли маблағ билан таъминлаш ва аҳолини тиббиёт муассасалари орқали ушбу воситалар билан барқарор таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда соғлом авлод, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданияти даражасини ошириш масалалари бўйича минтақавий комиссиялар тузсинлар ҳамда ҳокимларнинг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўринбосарлари бошчилигида уларнинг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат спорт қўмитаси, Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси ва бошқа тузилмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Республика комиссиясига тақдим этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

айниқса қишлоқ жойлардаги тиббиёт муассасалари, тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари ходимларининг қизларга, аёлларга ва ёш оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш масалаларида аёлларга тиббий маслаҳатлар бериш бўйича ишларини кучайтирсин;

Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, хайрия жамғармалари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотлар билан биргаликда республикага аёлларнинг репродуктив соғлиғини яхшилаш бўйича аҳолини зарур замонавий тиббиёт препаратлари ва воситалари билан таъминлаш юзасидан мурувват ва ҳомийлик ёрдамларини жалб этиш ишларини фаоллаштирсин;

ушбу воситалар ва уларни қўллаш бўйича маслаҳат хизматлари комплекси тегишли тиббиёт муассасалари орқали бепул асосда берилишини ҳамда амалдаги тартибга мувофиқ турғун даволаш-профилактика муассасаларида дори-дармонлар ва тиббий буюмлари берилиши, ҳисобга олиниши ҳамда улардан фойдаланилиши устидан назоратни ташкил этсин;

айниқса туғилиш, оналар ва чақалоқлар ўлими даражаси юқори бўлган туманларда акушер-гинеколог кадрлар таркибини мустаҳкамласин, уларни зарур тиббий асбоб-анжомлар, замонавий препаратлар ва воситалар билан таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда акушер-гинеколог врачлар малакасини, шу жумладан республиканинг етакчи клиникаларида ва чет элларда тажриба орттириш асосида узлуксиз ошириш, тиббиёт ходимларининг ахборот манбаларидан, шу жумладан «Интернет»дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришнинг махсус дастурини қабул қилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, аёлларнинг репродуктив соғлиғини яхшилаш учун воситалар ва препаратлар Давлат бюджетида соғлиқни сақлаш муассасаларини маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган ҳар йилги маблағлар доирасида ушбу мақсадларга махсус ажратилган маблағлар, шунингдек ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотлар грантлари ҳисобига сотиб олинади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг жойлардаги ҳудудий органлари томонидан даволаш, профилактика ва консультация муассасалари ўртасида тақсимланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қизларнинг балоғатга тўлмаган ёшда никоҳдан ўтишини истисно этувчи зарур таклифлар киритсинлар, кейинчалик таклифлар Олий Мажлисга киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг 10-11-синфлари ўқувчиларининг ҳамда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқитишнинг 2-3 йиллари ўқув дастурларига соғлом оила ва никоҳ, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича мутахассис тиббий ходимлар томонидан ўтказиладиган махсус факультатив дарслар киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари ушбу қарорда назарда тутилаётган чора-тадбирларнинг роли ва аҳамияти кенг тушунтирилишини таъминласинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 25 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ АНИҚ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАРЗДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ 2002-2003 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган тўлиқ давлат таъминотидаги болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш:

улар барча турдаги умумтаълим мактабларини битириб чиқаётганда ва ишга жойлашаётганда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақалар миқдорини 2002 йилда — энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 80 бараваригача, 2003 йилда — 100 бараваригача, шунингдек пул нафақасини 2002 йилда — энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 3 бараваригача ва 2003 йилда — 5 бараваригача миқдорда ошириш;

ўқув муассасаси яшаш жойидан узоқ масофада жойлашган ҳолларда бюджет маблағлари ҳисобига имтиёзли транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш йўли билан кучайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Белгиланссинки, чақалоқни ўз тарбиясига (патронат) олган тутинган ота-оналарга олинган ҳар бир чақалоқ учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида ҳар ойлик нафақа берилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан бир йўла таъминлашнинг болаларнинг ёшига қараб кийим-бош ва пойабзал бериш нормаси ва рўйхатини белгилайдиган тартибини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки:

тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш ҳамда болаларни кийим-бош ва пойабзал билан бир йўла таъминлаш харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан, маҳаллий ҳокимият органларининг тегишли қарорлари асосида, маҳаллий бюджетларнинг заҳира маблағларидан маблағ билан таъминланади;

маблағ билан таъминланадиган харажатлар миқдори Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китоблар асосида, тегишли молия органлари билан келишган ҳолда белгиланади;

тўлов Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари халқ таълими бошқармалари орқали амалга оширилади.

5. Қишлоқ жойларда ишлайдиган ўқитувчиларнинг ахборот билан таъминланганлигини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги 2002 йил 1 январдан бошлаб (қишлоқ жойлардаги) умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг кутубхона фонди ўнтагача турдаги газета ва журналларга, асосан республика оммавий ахборот воситаларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига мажбурий обуна қилинишини таъминласинлар.

6. «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича ойлик нафақа тайинлаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин, бунда оиланинг мазкур нафақага муҳтожлигидан келиб чиқилсин. Мазкур нафақани тайинлашда ижтимоий адолат, очиқ-ойдинлик ва ошкоралик принципларига риоя қилиниши таъминлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Халқ банки билан биргаликда оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни, унда оилаларнинг мазкур нафақага муҳтожлигини ҳисобга олган ҳолда бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

иш стажи бўйича чеклашнинг олиб ташланиши муносабати билан қайта кўриб чиқилиши керак бўлган пенсиялар миқдорини икки ҳафта муддатда қайта ҳисоб-китоб қилиб чиқсин;

Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда оилавий тадбиркорликни маблағ билан таъминлаш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда уларга тижорат банклари орқали, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа молиявий барқарор нодавлат нотижорат ташкилотлари кафиллиги остида гаровсиз асосда микрокредитлар берилишини назарда тутсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг минтақавий бўлимлари билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига уларга аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш, оилаларга нафақалар белгилашда ижтимоий адолатни таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишда ҳар томонлама амалий ва методик ёрдам кўрсатишни ташкил этсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 25 январь

УЙҒОҚ СЎЗ

ТАЯНЧ НУҚТА

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида айни пайтда 2 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири 600 ўринга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежидир. 100 ўринли шинам ётоқхона, спорт зали, бой кутубхона, ошхона ва устахоналарга эга бўлган ушбу масканда ёшлар етти йўналиш бўйича билим олишмоқда.

✧✧✧

Суратларда: *коллеж ўқувчилари (юқорида); коллеж директорининг ўринбосари Ҳазрат Жўраев ўқувчилар билан «Маънавият ва маърифат» хонасида.*

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Талабалик йилларим эди. Кўз касалликлари шифохонасида даволанаётгандим. Икки кишилик палатадаги шеригим — ёши етмишлардан ошган мўйсафид. Ниҳоятда камгап, хокисор инсон.

— Сиз билан суҳбатдош бўлганга роса жабр бўлса керак. Зериктирасиз. Сизни «Индамас бобо» дейишимга тўғри келаяпти, — деб ҳазиллашаман.

— Ўғлим, нима десанг, деявер. Нима дейишдан кўра нима демасликни билиш донолик эканини ҳаёт менга ўргатган.

Қўллари қадоқ, қалби қайноқ отани кузатаман. Бир нуқтага тикилиб, ўйчан ўтиришидан, пешонасидаги қатор-қатор чизиқлардан ҳаётнинг чучугидан кўра аччиғини кўпроқ татиганини сезиш қийин эмасди. Зарур ҳоллардагина бир-икки оғиз гапириб қўяди, бўлмаса йўқ. Лекин ҳар куни уч маҳал — нонуштада, тушлик ва кечки овқатдан сўнг «тансиҳатлик ва хотиржамлик бўлсин» деган дуони ўқишни канда қилмайди. «Хотиржамлик» сўзини жиззахчасига «қатиржамлик» деб талаффуз қилардилар.

Бир куни отадан юрак ютиб сўрадим:

— Менда «Дуойи фотиҳалар» китоби бор, сизга берайми? Доим иккита сўзни такрорлайверасизми?

Одатдаги ҳазилимни қабул қила туриб, ота маъноли кулимсираб деди:

— Ўғлим, аслида ҳамма сўзлар, ниятлар, дуолар ана шу иккита сўзга боғланади. Уйингда, ишингда, юртингда тинчлик бўлмаса, қатиржам бўлолмайсан.

Даволаниш муддати тугаб, ўй-ўйимизга қайтадиган бўлдик. «Йўлингиз тушганда келарсиз» қабилида яшаш манзилларимизни ёзиб олдик. Бир гал хизмат сафари билан Жиззахга борадиган бўлдим. Шу баҳона отани ҳам бир зиёрат қиламан деб, суриштира-суриштира ахийри уйларини излаб топдим. Пастаккина, икки тавақали эшик. Тақиллатдим.

Ичкаридан ўрта бўйли, қош-кўзлари отани эслатувчи бир йигит чиқди. Салом-аликдан сўнг отанинг номларини тутдим. Йигит менга хомуш боқиб «қани ичкари киринг», — деди. Уйга кирдик. Ўзимни таништирдим ва отани сўрадим. Йигит оғир тин олди ва хўрсиниб деди: «Дадамни бериб қўйганимизга икки йилдан ошди. Сизни ҳам кўп эслардилар. Оллоҳ бизга иккита ўғил берган. Ҳар иккаласига ҳам раҳматли отамнинг ўзлари ном қўйганлар. Начора, отам биздан кўра тангрига кўпроқ керак экан».

Ота руҳига тиловат қилган бўлдим. Йигит юзига фотиҳа тортиб, мактабга отланаётган ўғилларини ичкаридан чорлади:

— Тансиҳатбек, Хотиржамбек! Қани бу ёққа чиқинглар-чи. Тошкандан бобонгизни укалари келибди, қани бир кўришинглар-чи?

Менг донг қотиб қолдим. Қулоғим остида отанинг ўша менга таниш дуоси яна бир бор жаранглагандек бўлди. Салкам саксонга кириб дунёдан ўтган, ўз ақидасини невараларининг номларига муҳрлаб кетган ота сиймоси кўз олдимда жонланди.

Дунёда ҳар бир нарса-ҳодисанинг ўз таянч нуқтаси бор. Таянч нуқтаси бўлмаган ҳамма нарса — омонат. Гарчанд турли тилларда ҳар хил жарангласа-да, дунё халқларининг энг улуғ истаги тинчликдир. Тинчлик жамики бунёдкорликнинг, фаровонликнинг таянч нуқтасидир. Шундай экан, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, тинчлик учун курашиш мавсумий, бир ёки икки кунлик иш эмас, ҳар бир фуқаронинг кундалик вазифаси бўлмоғи керак.

■ **Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,**
А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти доценти, филология фанлари номзоди



Ўтган куни АҚШ Президенти Жорж Буш заҳирадаги зобитлар ассоциациясида бўлиб ўтган йиғилишда 2003 йил давлат бюджети лойиҳасида ҳарбий соҳа учун 48 миллиард доллар ажратилганлигини эълон қилди.

Давлат бюджетининг умумий лойиҳаси 2 триллион долларга мўлжалланган. Лойиҳа 4 февраль куни Конгрессга расмий равишда топширилади. Шуни айтиш керакки, Америка тарихида ҳарбий соҳага 1985 йилдан бери биринчи марта бундай катта маблағ ажратилмоқда.



Россия иқтисодни ривожлантириш ва савдо вазири Герман Грефнинг маълумотига кўра, мамлакатда шу йил 1 мартдан бошлаб табиий газ ҳамда электр энергияси учун тўлов нархлари 20 фоизга кўтарилади. Умуман, электр энергиянинг нархи йил сўнггигача ўртача 17,9 фоизга ошиши мумкин.



Украина ҳукумати мамлакатга импорт қилинадиган ярим олмос маҳсулотларининг 5 фоизлик йўл божини бекор қилишга қарор қилди. Бу ҳақда кеча иқтисод вазири Александр Шлапак баёнот берди. Украина олмосни қайта ишлаш ва экспорт қилишдан катта даромад кўради. Аммо, кейинги пайтларда йўл божининг юқорилиги сабабли қайта ишланувчи олмоснинг мамлакатга олиб келиниши анча камайган. Украина олмос заводлари йилига ўртача 13 миллион долларлик олмосни четдан сотиб олади.

Бож тўловларини арзонлаштириш Украинанинг Халқаро савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришига ҳам йўл очади.

Инқироз сабаблари ўрганилаётган бир пайтда, Enron директорлар кенгаши раиси Кеннет Лей истеъфо берди. Маълумки, бундан бир неча ой олдин АҚШнинг энергетика соҳасидаги ушбу улкан корпорацияси кутилмаганда инқирозга юз тутганди. «Мен Enronнинг яна оёққа туриб олишини жуда истайман. Ҳали умид бор. Бунинг учун кучли салоҳиятга эга йўлбошчи зарур», дейди Кеннет Лей. У ушбу вазифада салкам 16 йил фаолият юритган.

Конгресс пайшанба куни корпорация ишини кўриб чиқишни бошлади. Текширишларни олиб бораётган гуруҳ экспертлари тақдим этган хулосаларга кўра, Enronнинг молия-кредит ҳамда ҳисоб-китобга оид бир қанча хужжатлари йўқ қилинган. Шунинг учун экспертлар корпорацияни охирги марта аудиторлик текширувидан ўтказган Andergon фирмасидан бу ҳақда баёнот беришни талаб қилмоқда.



Федерал қидирув бюроси ҳужжатларнинг йўқ қилиниши билан боғлиқ ҳолатларни ўрганишни бошлади.

Мана олтинчи кунки, валюта бозорида иенанинг АҚШ долларига нисбатан қиймати тушиб бормоқда. Бу пасайиш охирги уч йилда кузатилган энг минимал қийматга тенглашди. Яъни, 1 АҚШ долларининг қиймати аввал 133.87 иена бўлган бўлса, энди 134.13 иенага тенг.

11 сентябрь воқеалари сайёҳлик соҳаси фаолиятига бирмунча зарар етказган бўлса-да, Туркияда ушбу соҳадан тушадиган даромад ҳажми сезиларли даражада ошган. Биргина 2001 йилда мамлакатга 11.619 миллион сайёҳ ташриф буюрган. Бу олдинги йилга нисбатан 11 фоиз кўп демакдир.

Ҳукумат раҳбарларининг фикрича, ўтган йили миллий валютанинг девальвация қилиниши оқибатида вужудга келган молиявий инқирознинг салбий оқибатлари эндиликда сайёҳлик соҳасига таъсир қилмайди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА:

Охирги чорак якунига кўра, Американинг улкан Conoco Inc. нефть компаниясининг даромади ўтган йилга нисбатан 77 фоиз ($127 млн.)га камайган.

■■■■■■■■■■■■

Жанубий Кореянинг Syscom Corporation корпорацияси Россияда суюқ кристалли мониторлар ва телевизорлар ишлаб чиқариш учун 3 млн. долларлик инвестиция киритишни мўлжалламоқда.

■■■■■■■■■■■■

Германия халқ хўжалигида ўсиш суръатининг пасайиши кузатилмоқда. Охирги чоракда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан 0,5 фоизга камайган.

■■■■■■■■■■■■

Литва ўтган молиявий йилни самарали якунлади. Иқтисодий ўсиш 4.5 фоизга кўтарилган бўлса, ташқи қарз баланси 5.8 фоизга камайган. Халқаро савдо ташкилоти экспертларининг хулосасига кўра, Литва бундай натижага мамлакатда ўз вақтида ўтказилган солиқ ислоҳоти орқали эришган.

■ **Internet хабарлари асосида Бахтиёр ҲАМИДОВ тайёрлади**

DUSHANBA 28

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.25, 11.35 ТВ метео.
9.30 «Тўртинчи ҳокимият».
9.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Афросиёб».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «У дунёдан келган қотил». Бадиий фильм.
11.40 «Рангин дунё».
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.35 «Ўзбекистон ифтихорлари». Спорт дастури.
12.55 «Қайфият».
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
14.30, 15.55, 17.25 ТВ анонс.
14.35 Кундузги сеанс: «Метичара - денгиз жонивори». Бадиий фильм.
16.00 «Бир зумда».
16.10 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.35 «Ягона оилада».
17.05 «Қалб гавҳари».
17.30 Эстрада тароналари.
18.10 «Миттиволар оиласи».
18.30 Бир жуфт қўшиқ.
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Умумхалқ референдуми – халқ иродасининг ифодаси».
21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
21.45 «Спорт, спорт, спорт».
21.55 2002 йил – қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор ўй».
22.25 «Нурли манзиллар».
22.45 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 62-қисм.
23.10 «Ахборот - дайжест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «Ўй вазифаси».
10.20 «Мульттомоша».
10.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.35 Жаҳон жўғрофияси.
12.25 Мусиқий лаҳзалар.
12.35 Давр-news.
12.55 «Умр дафтари». Турғун Алиматов. 3-қисм.
13.20 «Диёнатга хиёнат». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
14.20 Автосалтанат.
14.35 «Диёнатга хиёнат». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.
15.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
16.05 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.
16.20 «Олмазор». Бадиий фильм.
17.35 Спорт ҳафтаномаси.
17.50 Кўрсатувлар дастури.
17.55 «Янги авлод» почтаси, «Билаган маслаҳати».
18.20 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 8-қисм.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Иқтисод news».
19.35 «Учинчи сайёра». Маърифий дастур.
20.05 Ёшлар овози.
20.25 Жараён.
20.55, 21.25, 22.30 Эълонлар.
21.00 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Эсмералда». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!.

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани. «Жодуланган бола».
18.15 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 21.25, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Тап-тортмаслар». Ҳужжатли фильм. 1-қисм.
19.35, 21.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-news».
20.20 ТТВда сериал: «Тақдир сўқмоқлари». 1-қисм.
21.40 «Мусиқий меҳмонхона».
22.40 Кинонигоҳ. «Салом, мен холангизман». 1-қисм.
23.30-23.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

РЖТ 7.30-9.00

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.30 «Қалбим чечаги». Сериал.
18.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.25 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.25 «ТВ-4да «Немис тўлқини».
22.45 Кинематограф. «Менинг ёлғизимсан». Бадиий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

20 KADR

16.55 га қадар профилактика.
17.00 Дастурнинг очилиши.
17.05 «30-канал»да ҳужжатли кино. «Одам ва денгиз».
17.45, 21.00 – «Телеҳамкор».
18.10 «Хаёт икир-чикирлари». Телесериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Далилсиз». Жангари фильм.
20.35 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Жейн Эйр». Драма.
23.15 «Тез ёрдам». Телесериал.
24.00 Ярим тунда спорт.

PAYSHANBA 31

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ўзбекистон табиати».
9.15 «ТВ-клуб».
9.40 «Олам футболи».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Давр – менинг тақдиримда».
10.25 ТВ-1 кинотеатри: «Колонна». Бадиий фильм. 1-қисм.
11.30 ТВ-метео.
11.35 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
11.55, 17.05 ТВ-анонс.
12.05 «Тиббиёт одимлари». «Спорт» дастури:
12.15 «Спорт, спорт, спорт».
12.25 «Алпомиш авлодлари».
12.40 «Театр ва мусиқа».
13.00 «Ошин». Телесериал.
13.30 «Юксалиш йўлида».
14.10 ТВ-1 кинотеатри: «Колонна». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.15 «Болаликнинг мовий осмони».
15.35 «Тафсилот».
15.55 «Экспедиция». Телесериал. 30-қисм.
16.45 Ўзбекистон халқ артистлари.
17.10 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
17.30 «Халқаро ҳаёт – шарҳловчилар нигоҳида».
18.10 «Тилга эътибор».
18.30 «Яхши ния». Телелотерея.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Эстрада ҳароналари.
21.25 «Сарҳад билмас дўстлик».
21.45 «Ўзбек спорти одимлари».
22.00 «Бугуннинг гапи».
22.20 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 63-қисм.
22.45 «Ахборот-дайжест».
23.05-23.10 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
9.35 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал 10-қисм.
10.00 Спорт қитъаси.
10.30 «Эсмералда». Телесериал.
10.55 Мусиқий лаҳзалар.
11.05 Тафаккур ёлқинлари.
11.20 «Келажакка интилиб». Ҳужжатли фильм.
11.40 Ракурс.
12.00 «Мени тушун. « телеўйин.
12.25 Интерфутбол.
14.00 «Далил ва шарҳ».
14.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.00 Ҳандалак.
15.25 Ўзбегим кураши.
15.45 «Галати аёл». Бадиий фильм 1-қисм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
17.35 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 11-қисм.
18.00 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
18.20 Олтин мерос.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Ёшлар овози.
20.25, 20.55, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Эсмералда». Телесериал.
21.00 «Эрта сўнган юлдузлар».
21.30 Мезон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Олтин мерос.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. «Денгиз итлари». 9-қисм.
18.25 Мультфильм.
18.30, 20.00, 21.25, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Тап-тортмаслар». Ҳужжатли фильм. 4-қисм.
19.35, 21.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
